

ТОШКЕНТ ОҚИШЛАРИ

Ижтимоий-сиёсий шахар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 41 (7. 983) 1992 йил 27 февраль, найшанба Нархи 80 тийин

ФИНЛЯНДИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

ХЕЛЬСИНКИ. 26 февраль. (ПАТА—ТАСС мухбири Войто Лескин). Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган бир қанча давлатларнинг раҳбарлари — Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев, Ўзбекистон Президенти Исом Каримов ва Украина Президенти Леонид Кравчук Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Януловчи актини имзолаш таъминоти учун Финляндияга келишди. Улар бугун Кунинг биринчи ярмида Финляндия Президенти Мауно Койвисто билан учрашдилар.

Алоҳида-алоҳида ўтган шу учрашувларнинг янгиликларини ўз ичига олган журналда Президент Мақамасининг бошчилигида Янко Клемонанинг маълум қилишича, Молдова Президенти Мирча Снегур билан кеча бўлган учрашуви каби бугунги учрашувлар вақтида Финляндия, Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина билан дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Финляндияга келган давлат бошқилари Президент Койвистого ўз мамлакатларига ташриф буюриш ҳақидаги таклифномаларни топширдилар. Бу таклифномаларни Президент мамнуният билан қабул этиб, ташрифларнинг аниқ муддатлари ҳақида кейинроқ келишиб олиш мумкинлигини таъкидлади.

Учрашувлар вақтида давлатларнинг бошқилари ўз мамлакатларининг Финляндия билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг қондаларига мувофиқ Европа ва халқаро ҳамкорликда қатнашишга интилаётганликларини ўқитиб ўтдилар.

Давлатларнинг раҳбарлари учрашувлар чоғида агард-муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари ҳақида ҳам гапирдилар, бу муаммоларнинг муҳим аҳамиятини ҳамда барча минтақалар учун умумий бўлган табиатини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш ва фаол тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Меҳнат жамоаларида ОИЛАЛАРИДЕК ҚАДРДОН

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида 12 мингга яқин киши меҳнат қилади. Турли миллат вакилларидан иборат бу ишчиларнинг мақсади бир. Ҳозирги иқтисодий таълимни энгил аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшишдан иборатдир.

Бирлашмада меҳнат фахрийлари ҳам кўп. Улар 1350 кишини ташкил этишади. Улардан бири Раҳим Рўзиевдир. Бу меҳрибон мураббий менга ҳам устозлик қилган. Унинг бир сўзи эсимдан чиқмайди.

— Иброҳимжон, бир лайтлар мен ҳам сендек бола эдим. Меҳнат қилиб кам бўлмадим. Билсанг, фарандаларимни ана шу завод тугайли оёқга турадиз. Сен ҳам шу даргоҳга меҳр кўй.

Ҳозир заводда ишлаётганимга ҳам тўрт йилча бўлиб қолди. Менга тўри йил кўрсатган устозимнинг ўнгиларини икки қилмадим. Яхши ишладим. Ўтган йил Тошкент Давлат дорилфунунининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Шуларни ўйлаганимда ҳаёлимда захматнаш ишчи, меҳрибон мураббий, собит инсон Раҳимжон ака жонланаверади. У кишининг менга нисбатан қилган яхшиликларини унутма олмаман.

Ўтган йили корхонамизда 1178 нафар киши нафақага кузатилиди. Корхонада қолиб меҳнат фаолиятини давом эттиратган нафақачиларга ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Улар дам олиш уйлари, санаторийларда ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустақимлаб қайтишляпти. Сихаттоҳларга йўланмалар беришчи наватбатда уруш ва меҳнат фахрийларига берилмоқда. А. Абдуразақов, Ҳ. Вазиров, В. Волков, В. Алешкина, жами ўтган йили 334 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари ўз соғлиқларини тиклаб оlishди.

Меҳнат жамоасида И. Исмаилов, А. Турдубоев, Н. Молдавон, В. Бондаренко, А. Белоусовларнинг ўз ўрни, обрў-этиборлари бор. Чунки бу кишилар биринчида жамоада 30—40 йилдан буён меҳнат қилиб, ёшларга ўрнак бўлишга тўғри келган. Иккинчида ёш ишчиларнинг меҳрибон мураббийлари, хунар ўргатувчи устозлари бўлганликлари учун ҳам уларни ҳамма иззат-ҳурмат қилади.

Биз меҳнат фахрийси А. Жумакулов билан 31-сехта сўхбатлашиб қолдик.

— Қарийб 30 йил бўлди, ишлай бошлаганимга, — деди у киши. — Ҳурмат билан яхши нафақа тайинлашди. Раҳмат. Лекин ҳеч кетгим йўқ. Шу жамоа оиладек қадрдон бўлиб қолган. Маъмурият ҳар доим ҳол-аҳолини назорат қилиб туради. Анъанавий маросим ва байрамларда соғва-саломлар беришади. Арзон нархларда кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишади. Меҳнат таълим-да санаторийда бепул довланиб, дам олиб қайтишим.

Бундай дил сўзларини ҳар бир ишчи, корхонада хизмат қилаётган ҳар бир нафақачилардан эшитишимиз мумкин.

Иброҳим ҚАРИШЕВ.

ЖАМИЯТИМИЗДА рўй бераётган покляниш, миллий қадриятларимизнинг яна тикланаётганини кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

Мустақилликка эришган жумҳуриятимизда дин аҳлини таъқиб қилиш, диний исломни бир ёндама талқин этиш ортда қолди. Биздон эркинлик амада таъминланган. Халқимизнинг миллий уйғунлиги, маънавий юксалишида ислом динининг ўрни ҳам, аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда.

Шуларни ҳисобга олганда пойтахтимиздаги Навоий номи санъат саройида Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонларининг наватбатдан ташқари бешинчи қурултойи чақирилиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда исломшунослар, уламолар, имом хатиблар ва бошқа муҳтарам аҳли мўминлардан 1700 нафар вакил иштирок этишти. Қурултойга бизга қардош, қўшни республикалар вакиллари билан бир қаторда Туркия, Саудия Арабистони, Ливия ва бошқа хорижий мамлакатлардан меҳмонлар ҳам келишган.

Муваддас Қуръони каримдан бир оят тиловат қилиш билан очилган қурултойни Тожикистон қозиси Ҳожинакбар Тўлажонзода бошқарди. У кун тартибидан кўриладиган масалалар хусусида гапирар экан, дастлабки сўзни ташкилий қўмита раиси Муҳаммад Шариф Жумановга берди. Нотиқ қўмитага барча манфаатдор кишилар аъзо этиб киритилгани, шунингдек, қўрилган тайёргарликлар ҳамда Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний бошқармаси раислигига Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номзоди рўй-хатта олинганлиги ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Назаров Республикаимиз Президентини Исом Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб шикиттирди.

Ундаги Ватанимиз «...улув сиймоларининг ворислари сифатида халқимизнинг маънавий камолоти, тинч ва фаровон ҳаёти учун» биз

Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари қурултойида

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ УЧУН МАСЪУЛИЯТ



жавобгар эналлигимиз ҳақидаги сўзлар ҳаммада чуқур таассурот қолдирди.

Шундан сўнг аниқманга йнгилаганлар Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикаси мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ, Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ҳисобот маърузасини тингладилар.

— Бугунги аниқманга ташриф буюришимдан аввал тўртинчи қурултойдаги дастурий нутқимни яна бир бор кўздан кеирдим. — деди нотиқ. — Қувайтга сафар уюштирган чоғида нутқ матинини араб тилида рисола қилиб чиқарилганини гувоҳ бўлидим. Менга дастурда илгари сурган гошларингиз ва фикрларингизни ўрганганимиз, деб айтишди. Ахир булар қилинадиган оддий ишлар-ку, деб таъжубга тушдим. Бу гаплардан

кейин олдингизга катта мақсадлар қўйганимизни яна бир бор ҳис қилган эдим.

Биз биринчи наватбатда масжидлар сонини кўпайтириш масаласига катта эътибор бердик. Бундай шароити вазифини банкларда халқимизга гаврат-шикоят қўсатди. Кейинги йиллар ичиде масжидлар сонини олдатганидан кўра кўпроқ очилиши билан бирга диний тарбия, ахлоқ-одоб масангага айланб бораётганини хорижий юртлардаги мусулмонлар ҳам ҳавас билан тилга олдилар.

Муҳим вазифалардан яна бири диний таълим беришдан муаммоларни бартараф этишдан иборат эди. Илгари Тошкентдаги Имом Бухорий номидаги Ислам олий мактабиде бор йўли 50 та олий таълим олишга руҳсат берилганди. Сайф-ҳаракатларимиз тугай-

ли эндиликда мазуру муассасада 200 дан ортқ бола дин асосларини ўрганаётир. Бундан ташқари тайёрлов гуруҳи ва қозғ тилида ўқитиладиган гуруҳ фаолият қўрсатляпти. Сингиларимизнинг билим олишига ҳам кенг йўл очилган кувончлидир. Шунга ўхшаш Бухоро ва бошқа шаҳарларда диний муассасаларда таълим олаётгани ўқувчиларнинг сонини анча оширилди. Тожикистон, Туркманистон, Андижон шаҳарларида янги мадрасалар бунёд этилган.

Нотиқ дувелдан қўйлаб диний таълимчилар билан алоқалар ўрнатилгани, Қувайт, Миср, Сурия, Ливия ва бошқа давлатлар ўртасида шартномалар тузилгани, хорижий юртлардан бериладиган хайрия ердاملари, диний бошқарма молиявий ахволини яхшилаш

учун олиб бориладиган хайрий ишлар ҳақида ҳам батафсил тўхтали.

Қурултойда тафтиш комиссиясининг раиси Абдурауф Ғафуров комиссия хайрати томонидан ўтказилган тегишсизга асосланб, диний бошқарманинг молиявий ахволини чуқур таҳлил қилиб берди.

— Саудия Арабистонидан собиқ Китфогимизга 1 миллион донна Қуръони карим нелтирилгани маълум. Шундан муайян қисминини Ўзбекистон ва бошқа республикаларга тарқатилган. Уламолар Кенгашининг қарори билан уларнинг нархи ҳажмига қараб белгиланб чиқилган. Тафтиш натижасида республикаларга хайрия ердими тарқатилган ташқари ташқари тушган маблаг 12 миллион 545 минг 100 сўмини ташкил этди. Бу пуллардан диний идоралар фаолиятини жонлантиришга мўжжаллаб ташкил этилган ширкатлар, «Инак йўли» банки, Бухоро мадрасаси, Қўқон Жоний масжиди ва 1990-1991 йилларга идора харажатлари ҳамда бошқа мақсадларга сарфланган. Сингиллаб текшириб қўрилганда барча харажатлар ҳужжатлар бўйича тўғри юритилгани, улаштириш бўлмаганлиги ойдинлашди.

Қурултой кун тартибидан ташкилий масала юзасидан музокара-ларда иштирок этган Қашқадарё вилояти «Шайх Шамсуддин Қулратуллохон ўғли, Қирғизистон Республикаси Жалололбод вилояти Навент туманидаги «Нур» масжиди вакили Икромжон Мамарасулов, Тошкент Давлат дорилфунунини ўқитувчиси Мухтор Шапанов ва бошқалар муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари олиб бораётган ишларни маълумлашди.

Анжуманда муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари Ўрта Осиё ва Қозғистон Республикаси мусулмонлари диний бошқармасининг раиси этиб бир овоздан қайта сайланди.

Бугун қурултой ўз ишини давом эттирди.

Абдулла ҚОРИЕВ.
© СУРАТДА: Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари қурултойида.
Суратқаш Воҳид Тўраев.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулқошим Муталов кеча Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг вице-президенти Франс Андриессен бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Сўхбатда Ўзбекистон билан Европа ҳамжамиятлари комиссияси ўртасида бундан бундги муносабатларнинг истиқболлари, ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва кенгайтириш учун республикага қарз берилиши, оддийлик ердими кўрсатилиши билан боғлиқ қатор масалалар музокара этилди.

Давлат комиссияси Самарқанд лифтсозлик заводиде ишлаб чиқариш ўзлаштирилган беш кишилик лифта аъло баҳо берди. Янги лифт март ойидан ишлаб чиқарила бошланади.

«Тошкент» биржаси Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармасига Наврўз байрами тадбирларини ўтказиш учун 1 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Бу маблағ болалар жамғармаси томонидан байрам тантаналарида республиканин барча вилоятлардан кўп бали олдилар аъзоларини, болалар уйлариининг тарбияланувчиларини таклиф этишга, соғва-саломларга, сарфланган.

ҲАМДЎСТЛИКДА

Бугун Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чармандилари раҳбарларининг кенгаши очилди. Унда Ҳамдўстлик парламентлари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, Ҳамдўстлик парламентлари раҳбарларининг кенгашини тузиш масалаларини муҳокама этиш кўзда тутилди.

Киевда собиқ Совет Иттифоқи 14 республикаси (Россиядан ташқари) вакиллариининг учрашувиде собиқ СССРнинг таърих иқтисодий қарзини ўлаш масалалари муҳокама этилди. Унда қабул қилинган ҳужжатда СССР таърих иқтисодий Банки Россия Федерацияси тасарруфидан чиқариладиган бўлди. Мустақил давлатлар собиқ СССРнинг давлат аъзолари ва қимматли қозғалар юзасидан фуқаролар ва юридик шахслар олдидеги мажбуриятларини бажаришга қафолат бердилар.

Эрон Тоғли Қорабғ моноарси бўйича Озарбайжон билан Арманистон ўртасида востанчилик қилмоқда. Эрон таърих ишлар вазири Али Акбар Вилотийнинг бу икки республикада олиб борган музокараларидан сўнг Озарбайжон билан Арманистон 26 февраль маҳаллий вақт билан соат 9 да ўт очини тўхтатишга келишилди.

Украина Президенти Леонид Кравчук республикада ижроа ҳокимиятини қайта ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди. Унга мувофиқ бу ерда Украина Давлат думаси ташкил этиладиган бўлди. Республика Президенти думанинг раиси, Бош вазир эса ўринбосар бўлиши белгиланб қўйилган.

ХОРИЖДА

Туркия ташқи ишлар вазириининг ҳужжатлар мақдасига бошчилик қилиб келадиган Волкан Жотур Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги мухтор элчиси этиб таъинланди.

Япония ташқи ишлар вазири М. Ватанабэ Россиянинг Жанубий Кореяга Жанубий Корея ороллари атрофида балиқ овлалаш руҳсат бериш тўғрисида қарор қабул қилганлиги муносабати билан расмий чуқур таассуф билдирди. Япония бу жойларни ўз ҳудуди, деб ҳисоблайди.

АҚШ сенати кўпчилик овоз билан президент Бушининг Хитойга нисбатан сибатини маълумламади. Маълумки, Америка Президенти Хитой билан савдо-сотиқда унга муайян имтиёзлар беришга қарор қилган эди. Сенат фикрича, Хитойда инсон ҳуқуқлари бузилаётганиги сабабли Президентнинг бу қарори қайта кўриб чиқиши керак.

КОМИССИЯНИНГ ЙИГИЛИШИ

26 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримов фармойиши билан тузилган хорижий мамлакатлардан юборилган «Бегараз ердими қабул қилиб олиш ва тарқатиш комиссиясининг йиғилиши бўлди. Уни шу комиссия раиси, республика Бош вазири А. Муталов олиб борди.

Йиғилишда Туркия Бош вазири С. Демирел Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистонга 100 миллион долларни оддийлик ердими кўрсатиш ва кўп миқдорда қарз бериш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекиллиги айтилди. Юборилган маҳсулотлар асосан дон, озиқ-овқат, дори-дармон, болалар кийими ва пойабзалларидан иборат бўлади. Юлбар икки наватбатда олиб келинади. Дастлабки маҳсулотлар 15 мартта қабул қилиб олиниши керак. Шу мақсадда Тошкентдан Анкарага ҳозирда «ИЛ — 76» тайёраси учиб кетди.

Туркиялик биродерларимиз ердимиини ўз вақтида ташкил этиш, сақлаш ва эгеларига етказиш мақсадида Вазирлар Мақдасида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унга республика Бош вазири ўринбосари Қ. Ж. Хаққулов бошчилик қилди.

Шу кунини гуруҳининг дастлабки йиғилиши ўтказилди.

21 март—Наврўз байрами КЕЧКИ БАЗМ

ҲАМЗА район ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари ва маҳалла фаолиятининг мувофиқлаштириш Кенгашини «Наврўз» таърихидан кўриб қўйишди. Бу кутлуғ байрам рўза кунларига тўғри келватганини учун улар қандай нишонлаш ҳам келишиб олинди. Шу кунини барча аҳоли учун 3 та масканда — Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлигини ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли спорт майдонда, 1-уйсозлик комбинатининг клубида ва Авнасавот маданият саройида катта байрам дастурхони тузилди. Суваклар, халим ва ошлардан иборат савдо-сотиқлар уюштирилди. Отақон-онақонлар учун маҳаллаларда кечки лой «Наврўз» базми давом этди.

Гулязода МАМЕТОВА.

МУСТАҚИЛ ИЖОД ҚУЧОҒИГА

РЕСПУБЛИКА хореография билим юрти ўзбек дунёдаги йирин нафосат ўноқларидан бири саналади. Санъат ва маҳорат даргоҳи ўзининг кўп йиллик иқидий-педагогик фаолияти давомида 1300 га яқин би рақос ва рақосларини тарбиялаб вояга етказди. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиё республикалари санъат даргоҳлари ва концерт ташкилотларида йўшқин фаолият қўрсатмоқда.

Санияв АШУРОВА.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ҲАР ҲАФТАДА — ПОКИСТОНГА

КЕЧА рўзноманида хабар берганимиздек, Тошкент тайёрагоҳига Қарочидан йўл олган Покистоннинг «ПАИ» авиокомпаниясига қарашли «Боинг—747» замонавий тайёраси ўзининг илк рейсини беради.

Бу авиация транспорти ходимларининг тили билан айтганда, Ўзбекистон пойтахтининг Покистоннинг икки йирин шаҳри Исломобод ва Қарочи билан боғлайдиган янги кава йўли очилишидан илгарини техник рейс эди.

Тайёрагоҳда «Боинг» экипаж ва йўловчиларини ўзбек одати бўйича қарнай ва сурнай наволари остида кутиб олишди.



Дамир ИСЛОМОВ, СУРАТЛАРДА: Покистон авиокомпаниясининг экипажининг Тошкентда кутиб олиши.

АРЗОН НАРХДА

50—60 йилларда Ўрта Осиё кабеллар бирлашмаси ўз қисобидан ишчи-хизматчилар учун уйлор куриб берганди. Уйлор шу давргача ҳам қорхона тасарруфидан қамқаманди. Яқинда бирлашма раҳбарияти касба уюшмасининг бир хайрий ташаббусини маълум қилди. Қорхона ҳисобидан уйлор хусусийлаштирилганди бўлди. Улар арзон нархда сотилиб ишлаб турган ойналарга мулк сифатида расмийлаштирилляпти. Шунинг эътиборлики, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ўқитувчилар, Афғонистонда байналмила бурчли ўтаган жангчилар ва бирлашмада 25 йил узлуksиз ишлаб «Завод фахрийси» номини олган ишчи, хизматчиларга уйлор бепул берилляпти.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

«02» хабар беради

Ўтган ҳафта ичиде пойтахтда 400 та жинотчилик ҳолатлари рўй берди. Уларнинг 265 таси шу кунлар ичиде очилди.

17 февраль тун қоронғусида 1967 йилда туғилган, ҳеч қандай ишламайдиган Э. спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда автомобилларини сақлаш жойларидан бирининг қоровули ёнига келиб, автомобиллардан қилорасини беришни талаб қила бошлади. Рад жавобини олган эса қоровул билан ёқалашиб кетди, натижада автомобильлардан бирининг олд ойяси синди. Қоровул ўзини йўқотиб қўямасдан талончинини 16 калибрли қирқма миллиграмм олиб қўйди ва ўзини ҳилос қилаётиб Э.ни олқисидан яралади. Талончинлик ҳу-

«02» хабар беради

жуми қилишда шубҳа ёстига олганга Э. қўлга олинган, қирқма миллиграмм эса миллиграммга топирилди.

19 февраль кунини Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар илмоқининг ходимаси, 1971 йилда туғилган Ч.нинг ўлими юзасидан олиб бориладиган ишда қалавонинг уч топилди. Номаълум шахслар томонидеги ўлдирилган Ч.нинг касади шу йил 29 январда илмоғ биологларининг бирининг топилганди. Ч.нинг ўлимида шубҳа қилинган ҳолда илгари сузданган К. ушланди ва у ушбу оғир жинотчини содир қилганлигини бўйича олди.

20 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириини ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ўтказган шойинлик тадбир натижасида Ж. Обидова номидеги ху-

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Бугунги кунда Тошкент нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида олтига йirik нон заводи ва 37 та обдон ёпиш цехлари ишлаб турибди. Улар томонидан бир кунда 400 тонна турли-туман нон маҳсулотлари ҳамма-ҳарларимиз дастурхонига тортиқ қилин-моқда. Бу кўрсаткичда бирлашма 5-нон заводининг ҳам баҳоли қудрат улуши бор. Яъни бу шу қорхонада бўлиб, унинг иши ва нонвойларнинг оғир меҳ-нати билан танишдик.

Бу қорхона 53 йиллик тарихга эга. Шу йиллар давоминда қанчадан-қанча нон маҳсулотлари тайёрланиб, унинг цехларини неча-неча уста нонвойлар бе-замади, дейсиз. Гарчи бугун биз нисон учун улғу неъмат — нонин мўл-кўл қилишда ўзларнинг муносиб ҳиссала-рини қўшган заҳматқўшларнинг ҳамма-сини номма-нон санаси имкониятига эга бўлмасанда, лекин уларнинг оғир ва маъсулотили меҳнатларига тан бериб, тасанолат айтаёиз. Печлар атрофини тўлдириб турган ҳозирги шогирдлар эса устозлар аёнчаларига содиқ қолиб эл дастурхонига беэазадек табаррук ишни меҳр билан давом эттириб келишапти.

Албатта қорхонанинг бугунги қиё-фасини ўтмиши билан тақослаб бўлмайди. Биз унинг яқин уч йиллик фаолиятига назар ташласак ўсиш йил сайин ортibo борганлигини яққол гувоҳи бўламиз. Агар завод 1990 йилда 10 минг 286 тон-на булка нон ишлаб чиқарган бўлса, ўт-ган йили бу кўрсаткич 15 минг 10 тон-нага етди. Яъни режа 153 фоизга адо этилди. Обдон бўйича эса бу рақам 5 минг 910—7 минг 800 тоннани ташкил қилади. Е бўлмаса маҳсулот тайёрлаш мидқори бир йилда 3 миллион сўмлик-на ошди.

Қорхона тубдан таъмирланди. Булка цехидаги учта нон пишириш печлари янгисин билан алмаштирилди. Утган йили қўшимча яна битта печь ишга ту-ширилди. Агар эски қурилмаларнинг ҳар бири билан бир кунда 9 тонна маҳ-сулот пишириб берилган бўлса, энди унинг қуввати 15,5 тоннага етди.

Цехларнинг ички қиёфаси ҳам янги-ча қўриниш касб этди. Девоҳларга ка-феллар ёпиштирилди, пол ва томлар янгиланди. Нонвойларга бир қатор қў-лайликлар яратилди. Ёчиниб-қийинчи, дам олиш ва душхоналар бунёд этилди. Эндиликда улар тушдан сўнг янги жиҳозланган хонада хордиқ чиқариб, телевизор кўриш ёки рўзнома ва обно-маларнинг янги сонлари билан тани-шишлари мумкин. Меҳнат аҳлининг иш ҳақини оширишга ҳам эътибор қаратил-ди. Бугунги кунга келиб уларнинг ўрта-ча ойлиги 700—800 сўмни ташкил қи-лмоқда. Йилорлар эса 1200 сўмгача ет-казиб маош олишапти.

Қўлайлик бор жойда иш унуми яқин бўлади. Биз ҳаммиса шунга амал қиламиз, — дейди қорхона бош мўханд-иси Асатилла Ҳикमतов. Бош мўхандис ҳам, қорхона директори Заҳриддин Эр-матов ҳам дастлабки иш фаолиятларини мана шу ердан бошлашган.

— Ҳа, сўзгунинг қанча қорхонага раҳ-барлик қилиш анча осон бўларкан, — дейди Асатилла сўзини давом эттириб. — Чунки бу ерда ишлаётган ҳар бир ишчининг яқинимой қишлоқдан тортиб, хатти-ҳаракатигача сенга беш кўлдек аён. Қимга қандай муомала қилишни яқин биласан.

Қорхонада учта цех мавжуд бўлиб, унда уч юзга яқин киши меҳнат қилади. Бу фидойиларнинг кучи билан бир ку-нда 60 тонна олий навли булка нон ва 14 тонна обдон тайёрланмоқда. Ушбу маҳсулотлар шахримизнинг 200 га яқин нон дўконларига юборилмоқда. Уларни пештахталарга пешма-пеш етказиб бе-ришда 12 та машина ҳаммиса ҳозирча нозир турибди. Улар бир кунда уч ма-ҳал эрталар, кечки пайт ва ярим кечада «сафарга» отланадди.

Нарх-наво ошиб, купон жорий қилинганидан сўнг нонга бўлган талаб анча қамайди, — дейди бош мўхандис. — Фақат бунинг тўғри маънода тушу-ниш керак. Маҳсулотнинг қадри бирин-чи навбатда унинг баҳоси билан ўлча-нади. Уни истганча харид қилиш мумкин бўлган вақтда баъзи одамлар бу улғу неъматдан хўжасизларга фойдаланиш-ди. Устига-устак қўшни республикалар-да ноннинг нархи ошганидан кейин маҳ-сулотларимиз ортинча ташиб кетилди. Энди барчасига чек қўйилди. Лекин шунга қарамай нонин эхтиёжига яраша ишлаётган одамлар онда-сонда учраб

туриди. Биз уларга бир нарсани алоҳида эдириб қўймоқчи эдик. Ҳозир заводла-римизда тайёрланётган 90 ва 1 сўм 20 тийинлик булка нонларнинг таннархи аслида 4—5 сўмга тушяпти. Жумҳурия-тимиз ҳукумати уни халққа арзон сот-тириб, қолганини ўз ҳисобидан қоплаят-ти. Бундай бўлгач бу неъматни исроф қилиш ўтанетган нонқўрлик ҳисоблан-майдими?

Қорхонада ишлаб чиқариш ускуна-лари тўла таъмирлангандан кейин маҳ-сулот сифати ҳам тубдан яқшиланди. Бу-ни завод раҳбарияти номига меҳнатқў-шлардан келиб турган мактублар оқми-дан ҳам билса бўлади. Шу ўринда ушбу ҳатлардан бирини муштағрийлар эъти-борига ҳавола этмоқчимиз. «Яқинда уй-мига ўзга шаҳарда яшовчи қадрдони-миз меҳмон бўлиб келди, — деб ёзди Чилонзор даҳасининг 10 мавзанда исти-қомат қилувчи меҳнат фахрийси Нина Александрова. — Аксига олиб уйимиз-да нон йўқ экан. Югуриб рўпарамизда-ди дўконга чиқдим. Эндиликда келиб ту-шган янги булка нондан икки донасини харид қилиб қайтдим. Меҳмоним уни мақтай-мақтай тановул қилди. «Шундай чиройли, хушгаъми неъматни тайёрлаб берган нонвойларга раҳмат айтиш ке-рак», деди. Ўйлаиб қолдим. Чиндан ҳам олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ эканда, Қаранг-а, дастурхонимизни беа-эзган қўли гул нонвойлар меҳнати ҳақи-да дурустроқ ўйлаб кўрмас эканмиз. Дарҳол дўконга чиқиб нон қайси қорхонадан келтирилганлигини сўрадим. Шундан кейин ушбу миннатдорчилик мактубини сизларга йўллашга жазм эдим. Кеча-қундуз иссиқ печь олдида туриб бизга шундай ажойиб нонларни етказиб бераётган сизлардек инсонларга таъзим қиламиз».

Бундай ҳароратли мактублардан жу-да қўллаб сатрлар келтириш мумкин.

— Минг бор айтишдан кўра бир марта кўрган афзал, — дея бош мўханд-ис бизни цех томон бошлади. Дастлаб маҳсулотларни тарқатиш бўлимига ки-рдик. У ўзига хос техника билан жиҳоз-ланган бўлиб, хона тўридан уч компью-тер ўрин олганди. Улар экранда турли ёзув ва рақамлар кўзга ташланади.

— Булар биз буюртма билан жўнати-шимиз лозим бўлган маҳсулотлар сони ва турлари, — тушунтириш берди на-вбачи Одил Умаров.

Ташқарида қатор контейнерлар териб қўйилган. Уларга яшиқларда бир текис қилиб тахланган нонлар ортिल्моқда. Тахловчилар Баҳодир Қаримов ва Ҳи-донот Абзаловлар ўз касбининг усталар-ни бўлиб кетишган.

Нон ёпиш цехида ҳаёт қайнади. Бу ерда иш уч сменада олиб борилди. Ҳо-зир Абдували Соттиев бригадаси ишла-ётган экан. Цехдаги дярди барча иш-лар автоматлаштирилган. Ҳамир қорши-дан тортиб нон пишунгача бўлган жар-аёларни техника бақаради. Фақат унинг ишини бир неча кишигина куза-тиб туради холос.

Нон ёпувчилар Мақтуба Эрматова, Муборак Солихназаровлар чакқон ҳара-катлар билан конвейерда келаятган ке-син-кесим хамирларни нон печларига жойлашади. Бир аумда тайёр бўлган ис-сиқ нонлар орқа конвейердан тўғри тах-лаш хонасига ўтади.

— Бир сменда 16 тонна нон ёпа-миз, — дейди бригадир бизга.

Бима-ён хонада қорхонанинг лабора-торияси жойлашган. У ерда Нина До-носкаева бошлиқ хизматчилар ҳаммиса маҳсулот сифатини кўздан кечириб ту-ришади. Назоратчилар кўригидан ўтган маҳсулотлар машиналарга ортилиб, бел-гиланган дўконларга жўнатилади.

Қорхона меҳнатқўшларининг нон маҳ-сулотларида ортиб бораётган талабини ҳисобга олиб жойларда ўз филиалари-нин очмоқда. Худди мана шундай шохоб-ча ҳозир Октябрь даҳаси аҳолисига хизмат кўрсатаяпти. Фаёз Гафуров бош бўлган бу жойда 36 тонна меҳнат қи-либ бир кунда 8 тонна сифатли обдон-лар тайёрлашмоқда.

Биз охирида бош мўхандис билан қорхона муаммолари ҳусусида сўзлаш-дик.

— Муаммоларимиз етарли. Лекин уларни оқилона бартараф эътиямиз. Чун-ки кундалик эхтиёж учун зарур бўлган нон ишлаб чиқаришни бир зум тўхтатиб бўлмайди. Бу тинимсиз, узлуксиз давом этадиган жараён.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Кийимларнинг сифатли ва бежирим чиқариш бичувчи ва тикувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Шаҳримиздаги «Весна» модалар ательесиде тикялётган кийимлар юқоридаги талабларга тўла жавоб беради. СУРАТЛАРДА: (юқоридида) бир гуруҳ юқори даражали бичувчилар ҳамда (ўнгда) илгор тикувчи Марина Мушевва тасвирланган. Рустам Шарипов суратлари.

ЎЗБЕК халқи ўз тарихи-нинг янги саҳифасини очиб арафасида турибди. Янги даврин бошлаш, тарихнинг янги саҳифасини очилиши ўзи бир ниқолиб. Ўзбеки-тон мустақиллиги дунё бў-йича тан олинди. Президи-нтимиз Қуръон карим гу-воҳлигида халқ ноиблари олдида қасамед қилди.

Республика Президенти маданиятимиз, тарихимиз ва миллий қадриятларимизни тиклашга кенг йўл очиб бермоқда. Тилимиз, дини-миз қайтарилиши туфайли йўқолиб кетган урф-одатла-римиз, расм-русмларимиз тикланмоқда. Шукрона қи-ламлиқда, мактабларимизда ўқувчиларга араб тилини, эски ўзбек тилини ўрганиш учун синфлар очилиб, обло-нома дарсининг ўқитилиши унут бўлиб кетган халқ пе-дагогикасини ривожланти-ришга асос солмақда.

Халқ педагогикаси, ўқи-тувчилар, тарбиячилар ва мураббийларимизга талаб-луқли бўлмай, бугун жам-иятимиз учун ҳам зарур-дир. Биз халқ педагогика-сини қўпни кўрган эвоку ва донишманд қарияларимиз-дан, олим ва фойдаларин, халқ бахшилардан ўрганиб, улардан мерос бўлиб қолган таълим-тарбияни ҳозирги ёшлар онгига синдиришимиз керак.

Эл ҳурматига сазовор бўлган, таълим-тарбия иш-ига жон фидо этувчи устоз-лар орамазда қўллаб топи-лади. Ҳамза, Акмал Икро-мов ва Октябрь районлари

даги мактабларда ўқувчи-ларга турли фанлардан са-боқ берувчи Д. Зокирова, Ж. Тошбулатов, М. Жалоло-ва, М. Абдуллаева, А. Тўла-ганова, Н. Ғуломов, Б. Насриддинов, И. Абдулла-евлар шулар жумласидан-дир. Булар ҳар бир дарсада халқ педагогикасига оид қўшни, лапар, ҳижоят, эртак

Широқ, Тўмарис, Муқанна, Алломиш, Гурўғлилар ҳақи-да халқ яратган ривоят ва эртаклардан мисол келти-риб, халқимизнинг босқин-чиларга қарши курашидан қаҳрамонлиларини сўзлаб бериб орнали ўқувчиларда заъ-навақ ортириш билан бирга уларда Гурўғли, Алломиш, Муқанна каби

Миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ва тарихи-мизни ўрганишда тарғиб қи-лишда тил ва адабиёт ўқи-тувчилари, айниса бошлан-ғич сифт муаллимлари, та-рихчилар ўз ҳиссаларини қўпишлари керак.

Ҳозирги миллий мактаб-ларда бошланғич ҳарбий таълим давр талабига жа-воб бермайди. Бу фанлар-дан рус мутахассислари даре ўтадилар. Ўқувчилар рус тилини яқин билмаган-ликлари сабабли ҳарбий тер-минларга тушуномидилар. Дарслик ва қўланмалар ҳам рус тилида, келажакда бу фан ўқитиладиган бўл-са, дарслик ва қўланмалар ўзбек тилида қайта ёзилиб, халқимизнинг қаҳрамонлик мактабини, ватанпарвар-лик таълим-тарбиясидан са-боқ бериши керак. Инкин-чидан, «Обдоннома» дарсла-рини 1-синфдан бошлаб XI синфга ҳафтагина икки соатдан ўтиш мақсада му-вофиқдир. Учинчидан, мак-

табля практик ва факультатив машғуллар ўрнига халқ педагогикаси таълим-тарбиясини амалга ошириш учун халқимиз ўтмиш тари-хини, маданиятини ҳар бир синфлар чуқур ўргатишни режалаштириш лозим. Бун-да V—IX синфларда Му-ҳаммад пағмабаримизнинг ёпиш йиллари, Нвомиддин Алишер Навоий, Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юнакий, Абу Али ибн Сино дарсликларини ўтна-зиш, шунингдек, бошланғич синфларда эртак ва одоб дарси ваби дарсликнинг янги турларини ўтиш орна-ли миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни тиклаш олган ҳамда ёшлар онгига меҳр-муҳаббат, каттага ҳур-мат, кичинка изазат тушу-нчаларини синдириган бўла-миз.

Хулоса қилиб айтганда, дарслик, қўланма ва услубий ўқув қурулдилар йўқ деб қўли қовуштириб ўтирмас-дан мавжудларидан, рўзно-ма ва онама материаллари-дан самарали фойдаланиб ичилик билан ишламас, миллий таълим-тарбия дас-турларини муваффақиятли амалга оширган бўламиз.

Асомиддин ЗИМУҲАМЕДОВ, Ҳамза район халқ таълими бўлимининг муdiri.

Муқамбар АЗИМОВА, Тошкент шаҳар халқ таъли-ми бош бошқармаси услуб-бичёғиси.

Қидирбоғ ТҒАЛОВОВ, олий тоифадаги ўқувчи, меҳнат фахрийси.

Тошкент чинниси. Қайси жойда маълум ва машур демасиз уни. Миллатимиз ифтихори ҳисобланади бу чиннилари. Чинни буюмларимиз ўзбекининг хонадонини ҳам, тўйини ҳам, ҳеч бир маъракасини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Аmmo одатда дўконлардаги пештахталар, рас-таларни безаб турувчи ажойиб идишларни кей-инги пайтда бозор ютиб юборгандай, гўё. Еки чинни ишлаб чиқарилмай қўйилдимикиан, деб ҳавотирга тушсан киши. Балки уни тайёрлашда ҳам Россия билан боғлиқ томони бордир. Бун-дай десак рўзномаларда қўли гул усталаримиз тер тўкиб меҳнат қилишяётгани ҳақида ҳикоя қилинапти, фильмларда эса Тошкент чинни заводидиги иш мароми кўрсатилмоқда. Ҳатто раҳбарлар режа бунча эди, шунча қилиб бажар-дик, деб гапиряшяпти. Шундай экан нега неғиз чинни буюмларини оддий халқ ололмайдиган бўлиб қолди.

Ўзбекининг нимаси кўп, тўй-маъракаси кўп. Ким бўлмасин «бир пиёла чойга марҳамат», дея уйга таклиф этадиган одатимиз бор. Шу сабаб-ли халқимизга чинни буюмлар, айниса чойнак-пиёла ҳаводек зарур. Ахир келган меҳмонга иш-са стаканда чой тўтолмаймиз-ку. Баъзи хонадон

эгалари бирор маросим ўтказаятганда елим пиёлада чой узатишга мажбур бўлишяпти. Не чора, Азиз меҳмонга қандай бўлмасин чой бе-риш керак-да.

Уйлаб кўрса арзийди

ЧИННИ ҚАНИ?

Дўконлар юз фоиз чинни буюмлар олмай қўйданига очини ишоний қийин. Майли, қиммат бўлса ҳам чинни буюмлар пештахталарда турса кўзимиз тўқ бўлади, керак пайтда асте-секин сотиб олиш мумкин. Чиннининг тури кўп. Шу-лардан энг зарурлари талонга берилса чайқовчи-

ларнинг пайи қирқиларимиди. Бозорда чинни бор экан, уларни қайсибир дўкондан олишяпти-ку, ахир. Тўғридан тўғри заводдан олиб чиқишмаса керак.

Менимча, ҳар ойда бўлмаса ҳам, чоракда бир марта чинни идишларни оилаюрга тарқатишни тўхтатиб эйтиш зарур. Улар ҳам келиб моллар рўзига киритилиб, талон орқали оила эво-ларини сонига қараб, маърифда берилса айни мўдадо бўларди. Бир пайтлар Солдатский шаҳар Шўроси сессиясида: «Кир совунини талон билан беринч зарур, уч ойдан бери ололмайдими. Бунинг йўли қўймасе, бўлмайди», деганимда шаҳар Шўросининг собиқ раъиси: «Энди бир ками сову-нин санаб тарқатишимиз! Булмаса қўшимча шотат берилсин, совуни санашга», деб мевдан хафа бўлганди. Кўп ўтмай юқоридан бўйруқ келди шеклили, қўшимча одам олмаёқ совуни талонга берила бошланди.

Чинни идишлари ўзимизда чиқаятган экан, ундан аёбатта халқимиз баҳраманд бўлиши керак. Менинг таклифим иннобатга олинганда, деган умид-даман. Эеро биз элга ош берадиган, тўй-маъ-ракалар қилиб чарчамайдиغان ўзбекларимиз.

Ҳанфа ЗОКИРОВА.



Бугунги кунда пойтахт-имизни метросиз тасаввур қи-либ бўлмайди. Айни пайтда метросозлар Юнусобод йў-лида самарали меҳнат қи-лишмоқда. Бунда метро қурилиш трестининг устаси Зафар Шораҳматовнинг ҳам ҳиссаи бор.

Унгдани суратда эса 153-трестнинг 5-қурилиш бошқар-маси ишт терувчиси Убай-дулло Отахжаевни кўриб турибсиз.

Рустам Шарипов ҳамда Андрей Пинченко суратлари.



Ня, нахотки?! ҒАЛАТИ ДАЪВОГАР

— Биласанми! Тўни билан олишиб чи-қдик, улар кўпчилик бўлиб бизга ҳужум қилишга, қарши ҳужумга ўтиб, бир неча юзини йўқ қилиб ташладик.

— Кечирасиз, ўртоқ, — хонага кирган узун бўйли, сочлари оқарган, лекин комети келишган кишидан сўрадим. — Мабодо адашиб кириб қолган бўлманг, нималар ҳақида гапирявсиз?

— Уридан турниб, костюм ва кўйлагини очиб:

— Мана излари, кўматалоқ бўлиб кет-ганимга энди ишондингизми! Афроғистон-да хизмат қилганда ён-атрофда бом-балар портлаганда ҳам менга бунчалик таясир қилмаган эди — деди.

Хали ҳам тушуна олмаётганимдан у ки-шининг соғломлигига шубҳалана бошла-дим. Бироқ бунга ўрин йўқ экан. У сел-моқли қилиб тушунтира бошлади.

— Уйимизнинг ертўласидида қувар ёри-либ кетганига 10 йилдан ортиқ вақт ўтди. У гўё ер тагидан иссиқ сувли шифобахш булқандай бетиним бурқираб, кишиларнинг диққатини жалб қилиб келмоқда. Уни ўр-ганчи учун бир нечтага «мутахассис»-лар, «ишлий ходимлар» келинди. Бироқ 32 хонадонлик бу ҳашаматли ишоотининг нураб бораётгани уларнинг ҳам, 23-уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси раҳ-барларининг ҳам пинагини бузмади.

Турли ҳашаротлар дестдан дод деве-риб, овоэларимиз бўғилиб кетди. Аҳоли-мизни баён этиб ерз қилиб бермаган жойимиз, тақиялган эшигимиз қолма-ди.

— Ойленгиз борми! — дедим маззунин уэгартирмоқчи бўлиб.

— Ҳа, хотиним, у болам бор. Аҳлима-дани, лекин тинчлигимиз йўқ. Рафиқам Фариди-хон ҳам қийналиб кетди. Айтмоқчи асосий

мақсад ҳавлимдан кўтарилишга оз қолиб-ди, — у эшикни ёптар экан бироз овозини пасаёттириб гапини давом эттирди, — судга давво арзаси ёздик. Турар жой бошқармасидан тортиб, иситиш тармоқ-ларини эгалар ҳам суд олдида жавоб бе-ришларини талаб қилмоқдамиз.

Уйлаб кўринг, ўн йил мобайнида 5 хона-ли уйимизни 3 мартаба ремонт қилдик. Унга 3 мингдан 9 минг сўм пул кетди. Эшиклар, деварлар чиниб арокисиз ҳолга келди. Уларга 4 минг, уй жиҳозларининг таъмиринга кетган маблағнинг ҳисоби йўқ. Бугунги оқибатда зах бўлиб кетган хоналарда ифрасисиз сиқилиб, юракларимиз сангини тўфайли тез ёрдамни тез-тез қачқирадиган бўлиб қолганми. Бундай ижтисмоний ва маънавий зарарни қўшиб қисбласак 10 йилда 100 минг сўмдан ошади.

Айтингчи, бизнинг давво ишини қандай қўзғатишга ҳаққимиз борми?

— Ойленгиз айтсан, бизга ўхшаган дав-вогар билан биринчи бозор сўхбатлашя-ман. Давво қилишга ҳаққингиз йўқ, деб аята олмаيمان. Ишын суд кўриб, гувоҳ-лар, прокурор ва оқловчиларнинг фикри-ни эшитиб, хулоса чиқаради.

Биз айтган жойга бориб, шиноватчи гапларининг тўғрлигига гувоҳ бўлдик. Нахотки йиллаб юз берган янчи аҳоли-га чек қўйиш мумкин бўлмаса, «Қорақамчи» доҳасидида 28-уйда яшо-вчилар даввосини 23-уй-жойдан фойдала-ниш бошқармаси раҳбарлари суддан ел-дин хал эҳдиладан даган инятдамиз. Ахир, қачонгача иссиқ сув беҳуда оқиб, атоф-тин ифрослантираверадим!

Абдухаммад ҲАСАНОВ, кўкүшувос.

АЛМАШТИРИШ ШАРТ ЭМАС
ФИНЛЯНДИЯДАГИ «Дитер Электроника» фирмаси ультратовуш билан даволайдиган «Ультрасоник С 3000» апаратыни яратди. Унда беморни турли касалликлардан даволашда ишчи қисмини алмаштириб ўтириш талаб қилинмайди. Ҳозирги вақтда мослама радикулит, ревматизм, артроз, ампутиациядан кейинги оғриқни қолдириш ва спорт ўйинлари вақтида олинган турли зарбларни даволашда муваффақиятли қўлланыла бошланди.

КАСАЛЛИКНИ АНИҚЛОВЧИ МОСЛАМА АМЕРИКАНИНГ «ИБМ» ва «Спектрум Халффеар Солюшн» компаниялари бемордаги касаллиқни аниқлаб беришчи автоматик мослама яратдилар. Касалхоналардан жой олувчи бундай мослама қоннинг босими, пульс, организм ҳарорати, нафас олиш ҳажми ва тезлигини

аниқлаб беради. Мослама диагноз қўйиши, даволаш йўлини кўрсатиши ва касаллик тарихини ёзиб бориши мумкин. Видеодисплей ёрдамида барча ишларни амалга ошириш мумкин бўлиб, автоматик мослама нархи 44 доллар атрофида туради.

Тараққиёт уфқлари

ЯНГИ ҚОҒОЗ
 АНГЛИЯНИНГ кимёвий концернларидан бири қоғоз ўрнида ишлатилувчи юпка пленка яратди. Полиэфир асосига эга бўлган полимер буюқча пленка унга ёзилувчи сонлар ҳақида яхши ахборот беради. Янги қоғоздан турли мақсадларда фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

ҲАЛАТИ ЕКИЛГИ
 ЯПОНИЯНИНГ Хоккайдо оролида ташландиқ пластмассалардан бензин, керосин

ратда икки килограмм пластмасса чиқиндиларидан бир литрга яқин ёрилги олина бошланди. Бир тонна чиқиндини қайта ишлаш 225 долларга тушади.

ҚОЙНОТДАГИ ЧИҚИНДИЛАР
 ҚОЙНОТНИНГ ерга яқин қисмида чиқиндилар жуда кўпайиб кетганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Ер атрофида ўз хизматини бажариб ва кейин портлатиб юборилган космик аппаратлар, йўқолиб ёки узилб кетган

қисмлар ҳамда отиб юборилган деталлар ҳисобига ҳозир қонотда уч ярим миллиондан ортиқ нарсалар учиб юрганлиги қайд қилинади. Икки юз километр радиус атрофида мана шундай жисмлардан катта-кичиги бўлиб уч миң тонна оғир-

ШАРБАТЛАРНИ ТОЗАЛАШ
 «ИНТЕРБИОС» билан Одессадаги озиқ-овқат технологияси олий билимгоҳида шарбатларни нитратлардан тозалаш усули ишлаб чиқилди. Бунинг учун саноят биореакторига ишлаб чиқарилган мембраналар қўйилди. Шарбати олинмиши керак бўлган мевалар ҳам реакторга тушаверади. Катталиги молекуладек ёки коллоид зарралардек мембраналар шарбатни ўзидан ўтказмай, шу орада эса ортиқча нитратларни ўзидан ушлаб қолади. Ишлаб чиқарилувчи крахмал, пектин, липид, антибиотик, витамин ва алоҳида аминокислоталар нитратлардан тозаланиб шарбат ёки бошқа маҳсулотларга айлантирилади. Бундай шарбатлар болалар учун айниқса фойдалийдир.

Қудрат АҲМЕРОВ, кимёгар.



Қисқа вақт ичда фортепиано чалишни ўрганиш йўлини «Софтвэр тулуорск» компьютер фирмаси ходимлари ишлаб чиқишди. Монитор экранда мусиқага мосланган бармоқлар тасвири (суратда) берилди. Тасвир бериш жуда қатъийлик билан олиб борилади. Агарда пиланичи бармоқларини нотўғри босиб юборса компьютер ҳам ишламай қўяди. Агар тўғри чалса мусиқа матни устидан ўрдақлар тасвири ундай.

Бу-қизиқ

Ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бу воқеа Запорожье шаҳрида рўй берди. Бир киши хотинининг жазманидан ўзинга хос йўл билан кутулишга мажбур бўлди. Одатдагидек жазман писиб деразадан ошиб тушганда кутилмаганда қопқонинг ўткир тишлари оғини «тишлаб» қолди. Учаска вакиллари етиб келиб, қопқонни ечиб олдилар. Бундай манзарани буталер орасидан кузатиб турган эр эса бошқа келиб бўлсан, дегандек кувноқ кайфиятда кафтарини бир-бирига ишқалаб қўяди...

Рўсчадан Собир БОЗОРБОВЕВ ўғирди.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ЖАБАРАЛИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА ИЖАРАЧИЛИК, ЯККА ТАРТИБДАГИ ХУСУСИЙ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 1 кварталига мўлжалланган фавқулодда бюджетни тўғрисида»ги Қарори билан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан давлат ижтимоий сугуртаси учун тўланадиган бадаллар тарифи, мулкчиликнинг шақлларида қатъи назар, 82,5 фоизи Пенсия жағмарасига тўланган ҳолда 1 фоизи миқдорда белгиланган. Фуқаролар иш ҳақининг 1 фоизи миқдорига Пенсия жағмарасига акратиладиган мажбурий сугурта бадаллари сақлаб қолинади.

Алоҳида фуқароларни шартнома бўйича ишга ёллайдиган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кичик ва кўшма корхоналар, кооперативлар ва яқка тартибдаги хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар Пенсия жағмарасининг мазкур қорхона жойлашган райондаги вакилларида сугуртачи сифатида рўйхатдан ўтишлари зарур.

Ходимлари имтиёзли шартларда қариллик пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар учун, бадаллардан ташқари, «СЖИ фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СЖИ Қонунининг 14-моддасига мувофиқ, Пенсия Жағмарасига қўшимча бадаллар белгиланади.

Сугурта бадалларини тўлаш — тўлов топшириқномаларини Давлат банкнинг тегишли бўлимига орқали ҳисоблаб ўтказиш йўли билан амалга оширилади, яқка тартибдаги хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахслар жағмарасининг шартномалар бўйича ишга ёлловчи шахслар эса Пенсия жағмарасининг ҳисоб рақамига нақд пул тўлаш йўли билан амалга ошириладилар.

СУГУРТА БАДАЛЛАРИНИ ЎТКАЗИШ Тўғрисидаги тўлов топшириқномаси ТАКДИМ ЭТИЛМАГАН ҲОЛЛАРДА ВА ЧЕКНИНГ ОРҚА ВАРАФИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ УЧУН Тўланадиган СУГУРТА БАДАЛЛАРИ БУЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК ИҲТИСОСИ Тўғрисида ВЕЛГИ ҚўЙИЛМАГАН ҲАМДА ҚАЙД РАҚАМИ Кўрсатилмаган ҲОЛЛАРДА БАНКЛАР ИШ ҲАҚИНИ Тўлаш УЧУН МАВЛАБ БЕРМАСЛИГИ ЗАРУР.

Бадаллар тўлаш учун белгиланган муҳлатлар тугаши билан тўланмаган пул миқдори боғида қарз ҳисобланади ва сўзсиз пеня билан қўшиб ундириб олина бошлайди.

Пенсия жағмарасига тўланадиган сугурта бадалларини ташкилотларнинг ҳудудий мансублигига қараб қуйидаги район пунктларининг ҳисоб рақамларига ўтказишнингизни сўраймиз:

Район номи	Банк номи	Код	1. Фойдаланувчи рақами	82,5 фоиз аяқ-рақам учун рақами
А. Икромов	А. Икромов	172682308	000829503	000829901
Бектемир	Агротижорат	172682413	000829102	000829801
Киров	Киров бўлими	172682304	000829903	000829301
Куйбишев	Куйбишев	172682313	000829002	000829701
Ленин	Ленин бўлими	172682312	000829801	000829102
Октябрь	Октябрь бўлими	172682301	000829601	000829203
С. Раҳимов	С. Раҳимов	172682309	000829403	000829801
Сирғали	Сирғали	172682302	000829103	000829501
Фрунзе	Фрунзе бўлими	172682406	000829201	000829502
Ҳамза	Авнасозлик бўлими	172682305	000829502	000829201
Чилонзор	Чилонзор	172682303	000829003	000829401

Совет ва чет эл фуқаролари, корхоналар ва жамоа ташкилотларидан кўнгилди бадалларни Ўзбекистон Республикаси Пенсия жағмарасининг Тошкент шаҳар бўлими (Саноат-қурилиш банкнинг Меҳнат бўлимидаги жорий ҳисоб рақами 000829404, МФО 172682315)га ҳисоблаб ўтказишларини илтимос қиламиз.

Кўнгилди бадаллардан тугаган маблағлар пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий яхбатдан қўллаб-қувватлаш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Пенсия жағмарасининг Тошкент шаҳар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ

ДОИМИЙ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ ИЖАРАЧИ, КИЧИК, ШИРКАТ ВА ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ПУЛЛИК

БУХГАЛТЕРЛАР ТАЙЕРЛАШ КУРСЛАРИГА ШОШИЛИНЧ РАВИШДА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Еши ва турар жойидан қатъи назар, барча хоҳловчилар қабул қилинадилар. Бизнинг курсларимизни битириб, гувоҳнома олганлар амалда халқ ҳужжалигининг исталган соҳасида меҳнат қилишлари мумкин бўлади.

Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 15 кун (кундузги) ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 1,5 ой (кечки).

Шунингдек, чет тиллари: инглиз, турк, немис, тиллари ҳамда ўзбек тилини ўрганиш бўйича пуллик курсларга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3 ой.
 Дастлабки йилги 1992 йил 28, 29 февраль ва 2, 3 март соат 15.00 да ўтказилади.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, бинонинг чап қаноти, 4-қават, 14, 15-хоналар, «Внешторгиздат» ёнида. «Марказий телеграф» бекаси.
 ТЕЛЕФОН: 44-29-80.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЖУМҲУРИЯТ УҚУВЧИЛАР САРОИИ ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1992 йил, 2 март душанба кунни кундуз соат 15.00 да

Халқ артисти, давлат мукофотларининг совриндори, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг

80 ЙИЛЛИГИ

ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЕТГАН АНЪАНАВИЙ

«НАВРЎ БАЙРАМЛАРИ» ОЛДИДАН

ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК-РАҚС ДАСТАСИНИНГ

РАҚСЛАР БАЙРАМИ

ДАСТУРДА: Ўзбек, тожик, афғон халқларининг қатор мафтункор рақслари куй ва фольклор кўшиқлари ижро этилади.

Қ А Т Н А Ш А Д И Л А Р:

Тўрақ рақбари, халқ ижодийи Бутуниттифоқ фестивалининг совриндори, хонанда Суннатилла ҚУЧҚОРОВ

Я К К А Х О Н Л А Р:
 Феруза Одилова, Муқаддам Ҳақимова, Санобар Аҳмедова, Матлуба Исаева, Муҳайё Ҳожимуродова, Зулхумор Қадабоева, Азиза Ҳўжаева, Анвар Ганиев ва бошқалар.

(Ижодий жамоа 80 нафар раққоса, хонанда ва созандадан иборат)

СОЗАНДАЛАР АНСАМБЛИДА: Собир Юсупов, Собир Абдуллаев, Ҳусниддин ва Дилшод Камоллар, Дониёр Жабборов, Отабек Ғофуров, Равшан Умаров, Ғофир Сулаймонов ва бошқалар.

Концерт дастурини Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Гулчехра ЖАМИЛОВА олиб боради.

«ЧАМАН» дастасининг бадий рақбари ва балетмейстери — Ўзбекистон республикаси мусиқа жамиятининг аъзоси, маданият ходимлари аълочиси

Азиз АЗИЗОВ
 Республика Уқувчилар саройи бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Олия ИБРОҲИМОВА.

Театр фойесида турли хилдаги савдо-сотик, ишлаб чиқариш дўконлари ва сифатли озиқ-овқат, сут-қатиқ ва салқин ичимликлар савдоси тармоқлари ишлайди.

Бугунги оғир иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, нархи арзонлаштирилган билетлар Ҳамза театри кассаларида ва Тошкент шаҳридаги одамлар гажум жойларда сотилмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-04-44, 45-02-53, 44-33-41, 44-18-60.

Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 14-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ «ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИ» ИХТИСОСИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАН ИГИТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИКОМАТ ҚИЛАДИГАН ВА БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАН, Тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга корхона ҳисобидан 380 сўм ҳақмида стипендия, ишлаб чиқариш амалиёти даврида 50 фойз иш ҳақи берилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНДАН КЕЙИНГИ ИШ ҲАҚИ 1000—1400 СўМДАН ИБОРАТ.

Ўқиш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИ БИТИРУВЧИЛАРИ ТОШКЕНТ ИЖАРАДАГИ ҚОҒОЗ КОРХОНАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШГУЛОТЛАР ГУРУҲЛАР ТўЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари: билим юрти директори номига ариза, паспорт, матлумоти тўғрисида гувоҳнома, саломатлиги тўғрисида гувоҳнома, 3х4 см. катталиқдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт, қақриқ гувоҳномаси ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза району, Оқдەر кўчаси, 122-уй (12, 37, 52, 68-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Е-мой комбинати» бекаси; 15, 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони» бекаси).

Телефон: 91-33-94.

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

3-класс трамвай вагонлари ҳайдовчиси (ўқиш муддати — 5 ой);

3-класс троллейбус машиналари ҳайдовчиси (ўқиш муддати — 6 ой);

трамвай вагонлари ва троллейбусларнинг ҳаракатдаги состав электр усқуналарини таъмирловчи электрчи-чилангар (ўқиш муддати — 6 ой);

Совет Армияси сафларидан захирага бўшатилаган шахслар, шунингдек, 20 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинадилар.

Ўқишга қабул қилинганларга ойига 379 сўм миқдорига стипендия, йўловчиларни ташиш машиналарида ва трамвай вагонларида малака синовини ўташ пайтида ўқувчиларга стипендия ва 3-класс ҳайдовчиси маошининг 90 фоизи берилади, бу эса ойига 579—708 сўм демакдир.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади ва улар шаҳарга қайд қилинадилар ҳамда Тошкент шаҳридаги трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Машгулотлар — ҳар ойнинг 5, 10, 15, 20, 25 кунларида бошланади.

Билим юрти қошида «В» тоифасидаги автотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларини тайёрлаш курслари ишлаб турибди.

Ўқиш муддати — 3,5 ой. Машгулотлар ўқув гуруҳларининг тўлишига қараб бошланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Куйбишев району, Темур Малик кўчаси, 3 «а» уй (17-ў), 83,112-автобуслар; 6, 22, 13-трамвайлар; 9, 18-троллейбусларнинг «Красновосточное» депоси» бекаси).

ТЕЛЕФОН: 63-38-93.

РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР ТЕАТРИ

Модалар театрида ишлаш орзусида юрган

Ифодали, ёрқин қиёфали, адал қоматли йигит-қизлар учун

Модалар театрига — намоийш қилувчи актёр лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

44—46 ўлчамли кийим кийдиган, бўйи 170 ва ундан юқори бўлган 18—23 ёшли ўзбек қиз-йигитлари таклиф этилади.

Танлов 29 февраль соат 14.00 да қуйидаги манзилда жойлашган Модалар театрида бўлиб ўтади.

Сапёрная кўчаси, 25-уй, Республика тикувчилик саноат асортименти ва модалар маркаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

29 февраль соат 16.00, 1 март соат 12.00, 15.00 да икки қисмдан иборат катта цирк томошалари.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

27/II да Пиковая дама, 28/II да Оққуш кўли, 29/II да Иоланта.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 27/II да Анюлар чайқони, 28/II да Кампир кетариниш, 29/II да Катта концерт.

27 ФЕВРАЛДА

Дўстлик — «КИШАН ВА КАВХАЯ» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00, 20.40).

Шарқ — «ВОДИДАГИ ОВЧИЛАР» (11.00, 13.30, 16.00, 18.20, 20.30).

Фестиваль — «ШАОЛИНЬ ҚАСРИ» (тоқ соатларда).

Ленин ноҳия ошқоналар трети жамоаси трестнинг собиқ ишчиси, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фажрийси

Аҳмадиён САТТОРОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, маркумининг оила аъзоларига таъзия нэхор қилади.

Тошкент Давлат Дорифунуни биология куллийти ва умуртқасиз ҳайвонлар кафедраси жамоаси «Тўрқум умуртқасиз ҳайвонлар экологияси» лабораториясининг илмий ходими

Сарвар Анварович ШАРИПОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, маркумининг оила аъзоларига таъзия нэхор этиди.



МУАССИСЛАР:
 Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми
 МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
 Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар нуни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79;
 эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун мавобарлиги уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Ленинград» рўзномаси кўчаси, 41.